

КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ –ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ориф Ҳамроевич Узоқов

Бухоро давлат университети технологик

таълим кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6635966>

Аннотация. Ушбу мақолада талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш жараёни самарадорлигини ошириш назарий жиҳатдан ишлаб чиқиладиган дидактик ёндашувлардан иборат эканлиги, ушбу жараёнда амалга ошириладиган вазифалар ва самарадорликни оширишда амал қилиш муҳим бўлган принциплар ва уларни амалга ошириш босқичлари тугрисида фикр юритилган. Бундан ташқари машғулот мавзуларини лойиҳалаш, уларнинг мақсадини ва унга эришиш йўлида бажариладиган вазифаларни белгилаш, унинг ташкилий шакл, усул, восита ва методларини танлаш синфдан ташқари дарсларни ташкил этиш машғулотлари самарадорлигини оширишдаги роли тугрисида тахлилий карашлар баён этилган.

Калит сузлар: эмоционал-психик, инновацион технологиялар, руҳий-индивидуал хусусиятлар, интеллектуал қобилият, мантикий мулоҳаза юритиш, креатив ёндашув, ижодий тасаввур қилиш, тасаввур, архитектура, эмоционал омил

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретическая разработка дидактических подходов к повышению эффективности процесса развития творческих способностей учащихся, задачи, которые необходимо решать в этом процессе и принципы, которых важно придерживаться в повышении эффективности и этапы их реализации. Кроме того, аналитические взгляды на проектирование тем уроков, определение их цели и задач по их достижению, выбор его организационной формы, методов, средств и приемов, роль внеурочной деятельности в повышении эффективности уроков.

Ключевые слова: эмоционально-психические, инновационные технологии, ментально-индивидуальные свойства, интеллектуальные способности, логическое раздумывание, креативный подход, творческое представление, представление, архитектура, эмоциональный фактор.

Annotation. This article discusses the theoretical development of didactic approaches to improving the efficiency of the process of developing the creative abilities of students, the tasks that need to be solved in this process and the principles that are important to adhere to in improving efficiency and the stages of their implementation. In addition, analytical views on the design of lesson

topics, the definition of their goals and objectives for their achievement, the choice of its organizational form, methods, means and techniques, the role of extracurricular activities in improving the effectiveness of lessons.

Key words: emotional-psychic, innovative technologies, mental-individual properties, intellectual abilities, logical thinking, creative approach, creative idea, representation, architecture, emotional factor.

Ижодий қобилият юксак креатив ривожланиш омили бўлиб, инсон фаолиятининг турли жабҳаларида, жумладан, нутқий, ёзма-ижодий ва бошқа кўпгина қирраларида намоён бўлади. Талабаларда креатив қобилиятни ривожлантириш, биринчи навбатда, шахсга йўналтирилган ёндашувни, эмоционал-психик кайфиятни, фаол, ижодий тасаввурни, ўз-ўзини фаоллаштириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш, намоён қилиш, ифодалаш, баҳолаш, ўқув жараёнида таълимнинг инновацион технологияларидан фойдаланишни талаб этади. Қобилиятлар руҳий-индивидуал хусусиятлар мажмуи ҳисобланиб, маҳсулдор фаолият учун муҳим билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш имконини беради. Қобилиятлар учун фаолият сув ва ҳаводай зарур (фаолият унинг шаклланиши ва ривожланишига шарт-шароит яратади). Интеллектуал қобилият тушунчаларидан фойдалана билиш, мантиқий умумлашма мулоҳаза юритиш маҳоратини англатади. Талабаларнинг интеллектуал-ижодий фаолиятга креатив ёндашувининг негизини ижодий тасаввур ташкил этади. Қобилиятнинг етакчи хусусияти ижодий тасаввур қилишдир. Фалсафий луғатда тасаввур (хаёл) олдинги тажрибадан олинган англаш ва тасаввур материалларини қайта ишлаш йўли билан янги образларнинг яратишга қаратилган руҳий жараёнларни англатади. Ижодий тасаввур – инсоннинг ўз онгида образлар, тимсоллар, ғоя объектларини тўсатдан гавдалантира олиш ёки атайлаб вужудга келтириш лаёқати, маҳсулдор тафаккур юритишининг узвий компонентидир. Қадимий меъморий ёдгорликни идрок қилишда ижодий тасаввурга ижодий фаолият натижасида образнинг тасаввур бўйича яратилиши сифатида қаралади (тафаккур, хотира ва идрок уйғунлигида). Бу тасаввурнинг бутунлай ўзгартирилиши, мавжуд объект асосида янги образлар яратилиши, “ҳақиқатда мавжуд борлиқнинг янги, ўрганилмаган, тасодифий уйғунликда ва алоқада акс эттириш”дир. Образнинг тасаввур бўйича яратилиши турли шаклларда намоён бўлади: бирикмайдиганни бирлаштириш, гиперболизация, диққатни қайсидир жиҳатга нисбатан кучайтириш, жадаллаштириш, турларга бўлиш, аҳамиятлисини ажратиб кўрсатиш демакдир. Тасаввур: суств – нореал; фаол – ижодий яратувчи,

реал-амалга ошириладиган, орзу ва хаёл (фаолият учун мотив) бўлиши мумкин. Қадимий меъморчилик санъатини интеллектуал-ижодий идрок қилишда иждодий тасаввур: архитектура тимсолининг иждодий негизда тубдан қайта тасаввур этилиши, меъморий ёдгорлик образининг иждодий яратилиши, қадимий меъморчилик санъатининг эстетик “ҳис этилиши”дир. Бу, гўзаллик туйғуси, иждодий тафаккур юритиш қобилияти, предмет тўғрисидаги маълум билимларнинг мавжудлиги билан боғлиқ конструктив-ижодий фаолият саналади. Иждодий ҳамда қайта тикланадиган тасаввурни ўзаро фарқлаш лозим: тикланадиган тасаввур–бу предмет образи (тимсоли)ни унинг расми ёки чизмаси бўйича тиклаш жараёнидир; иждодий тасаввур эса янги образларни мустақил, ҳаттоки, маълум композициядаги тимсоллар тизими асосида яратишдан иборат. Шунга кўра, Л.С.Выготский тасаввурнинг тажриба ва воқелик билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги тўрт шаклини ажратиб кўрсатган:

1. Иждодий фаолият инсоннинг аввалги тажрибасининг бойлиги ва ранг-баранглигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Инсон тажрибаси қанча бой бўлса, тасаввур материали шу қадар кўп ва ранг-баранг бўлади.

2. Тасаввур тажрибани кенгайтириш воситаси. У ўзгалар тажрибаси ёки ижтимоий тажриба туфайли вужудга келиб, воқелик билан алоқанинг энг олий шаклидир.

3. Икки ёқлама намоён бўладиган эмоционал алоқа:

а) тасаввур эмоционал омилга – туйғуларнинг ички мантиқига таянади. Бу тасаввурнинг субъектив ички инъикосидир;

б) тасаввур туйғуларга таъсир кўрсатиб, бу орқали “тасаввурнинг эмоционал ҳаққонийлиги қонуни” намоён бўлади.

4. Тасаввур воқеликка кўчиб, бошқа нарсаларга таъсир қила бошлаганида ҳақиқатга айланади.

Бадий йўналганликнинг мазмундор шаклини яратувчи, шахсда эмоционал сезгирлик, иродавийлик, шоирона романтикага мойиллик, иждодий тафаккур, идрок қилиш фаоллиги, қадриятли йўналганлик каби фазилатларни шакллантирадиган бадий-ижодий тасаввур унда креативликни ривожлантиришнинг муҳим омили саналади. Иждодий тасаввур тимсолли тасаввур, тимсолни қайтадан реконструкциялаш, тубдан ўзгартириш, тўлдириш, тимсолни комбинациялаш, янги вазиятларга киритиш, ретроспектив ўринга қўйиш, умумлаштирилган ҳолда ҳис этиш, қисмларини бир бутун ҳолатда нарсага бирлаштириш, янги тимсолни яратиш, янги ғояни вужудга келтириш, янги ғояни амалга ошириш режасини тузиш воситасида ривожланади. Юқоридагиларга

асосланиб таъкидлаш жоизки, шахсда креатив қобилиятни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган интеллектуал-ижодий жараён идрок қилиш асосидаги фаол иждодий тафаккур ҳисобланади. Шахснинг эмоционал-иродавий хусусиятлари унинг интеллектуал-ижодий қобилиятларига боғлиқ. Хотира (у фаолият талабларига мувофиқ равишда ўзига хос, специфик кўринишда бўлади), эмоционаллик, яъни ҳис-туйғуга берилувчанлик -бу хусусият шахснинг фаоллигини оширишини ёрдамчи хусусиятлар деб ҳисоблаш мумкин. “Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганиш” мавзусидаги синфдан ташқари машғулот жараёнида ўқувчиларнинг мужассамланган ахборотларни англашга қаратилган интеллектуал-ижодий фаолиятига таяниб, уларда креатив-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳаракат қилишимиз мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг эмоционал-иродавий хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, истаги, эҳтиёжи мотивациявий омил сифатида фаоллаштирилади. Ушбу жараён самарадорлигига ўқувчи креатив қобилиятини ривожлантириш механизмларини ҳар тарафлама такомиллаштириш орқали эришилди. Механизм–табиат қонунларига кўра амал қиладиган ҳодиса ёки ҳаракатлар тизими, шунингдек, унинг амалга ошишига кўмаклашувчи қуролма ёхуд асбоблардир. Ўқувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантириш мазкур жараённи амалга оширишга қаратилган психологик-педагогик механизмларни фаоллаштиришни талаб этади Бундай психологик-педагогик механизмлар қуйидагилардан иборат:

- мотивацион механизм–мотивсиз, хоҳиш-истаксиз қобилиятлар юзага чиқмайди;
 - операцион механизм–операция (усуллар) ёрдамида қобилиятлар намоён бўлади;
 - функционал (жараёнли) механизм–руҳий жараёнлар сифати орқали қобилиятларнинг операцион механизмлари амалга ошади
 - илғор инновацион методлар, усул, услуб ва воситалар. Замонавий инновацион методлар, усул, услуб ва воситалар тўғридан-тўғри ўқувчи шахсини, ундаги креативлик қобилиятларини рағбатлантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, биз мутаносиб инновацион технологияларни жамлашга ҳаракат қилдик
 - Креативлик қобилиятини ривожлантириш механизмлари
- Талабаларда креатив қобилиятни ривожлантириш механизмларни такомиллаштириш ўқув жараёнида фаолият модели ва жадвалидан

фойдаланишни тақозо этади. Қобилиятларни ривожлантириш механизмлари унинг даражаларини ҳам назарда тутишни талаб этади. Қобилият даражалари икки хил бўлиб, булар: репродуктив даража – билимларни ўзлаштиришда юқори лаёқатга эга бўлиш, тегишли кўникма ва малакаларни эгаллаш; креатив даража – билим, кўникма ва малакаларнинг бетакрор, янги даражасини таъминлашдир. Қобилиятнинг вужудга келишини белгилаб берувчи механизмлар қуйидаги босқичларда такомиллашиб боради:

1) инсон ўзига хос туғма лаёқат белгилари (алоҳида табиий индивидуал нерв тизими, мия ва анализаторларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари) билан дунёга келади, мазкур лаёқат белгилари тўғридан-тўғри қобилият саналмаса-да, уларнинг қулай шарт-шароитлар орқали тарбиялаб, ривожлантириб борилиши истиқболда иқтидорли ижодкор шахснинг шаклланишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди;

2) мойиллик – боланинг муайян фаолият турига интилиши ва қизиқишларида намоён бўлади, иқтидорли болаларда ўзлари мойил бўлган бирор фаолият турига нисбатан ўта кучли интилиш кузатилади. Улар ўзлари қизиққан фаолият тури билан соатлаб, чалғимай, чарчамай шуғуллана оладилар. Болалар учун бундай фаолият ҳам меҳнат, ҳам ўйин вазифасини ўтайди. Уларнинг қизиқишлари, интилишлари, ҳис-туйғулари ўзлари учун севимли бўлган машғулот жабҳасига қаратилади;

3) қулай ижтимоий таъсир. Ҳар бир бола ривожланиш жараёнларида бирор таъсирга кучли берилиш ҳолатини бошдан кечиради, бирор фаолият турини ўзлаштиришга кучли мойилликни ҳис қилади (ўзлаштириш учун сензитив (қулай) даврлар узоқ ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин). Ушбу жараёнда фаолиятни ўзлаштириш шарт-шароитларини ҳам назарда тутишга тўғри келади. Масалан, бола муайян муддатда мусиқага, расмга ёки бошқа фаолият турига кучли мойилликни намоён этиши мумкин, айти дамда кўрсатилган таъсир унда ушбу фаолият турига нисбатан қобилиятни кучайтиришга хизмат қилиши мумкин. Биз ўз тадқиқот ишимизда таълимнинг мутаносиб анъанавий, инновацион, ноанъанавий, муаллифлик методларини уйғунликда қўллаш орқали юқори синф ўқувчиларида креатив қобилиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга эришамиз;

4) шахсий фаоллик. Боланинг ҳиссий-эмоционал ҳолатида-хоҳиш-истаклари, меҳнатга мойиллиги, ютуқлардан завқланиши, иродавий хусусиятлари ва мақсад сари интилиши кабиларда намоён бўлади.

Мотивация, релаксация, ўқувчиларда ижодий изланиш мавжудлигини рағбатлантириш каби усулларни қўллаб, уларнинг шахсий фаоллигини оширишга, меъморий ёдгорликларнинг бадиий ва эстетик хусусиятларини англашга қаратилган синфдан ташқари машғулотдаги интеллектуал-ижодий фаолиятни жараён сифатида баҳолаб, ўқувчи шахсида ўқув ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ҳамда унинг фаол, анланган-мотивацион, аниқ бир мақсадга йўналтирилган, эҳтиёжларига асосланган, методик, натижали-башоратланган, интеллектуал-ижодий мулоқотларини таълимнинг амалий ва назарий шакллари, инновацион дидактик методларни қўллаб такомиллаштириш муҳим. Ўқувчиларида креатив қобилиятни ривожлантириш уларнинг психологик ёши бўйича тавсифи, жумладан, суҳбат, анкета, тест, саволнома ва бошқа тегишли диагностика воситалар орқали ўқувчидаги мавжуд креатив қобилиятини тегишлича ташхислаш, унда мавжуд бўлган ва ривожлана бошлаган креатив қобилиятни, жумладан, фикрлаш ва ижод қилиш билан боғлиқ тафаккур даражасини аниқлаш зарур. Юқорида кўриб чиқилган асосий тушунчалар доирасида меъморий ёдгорликларнинг бадиий ва эстетик хусусиятларини англашга оид ўқув ҳаракатлар услубларини идрок қилишда билимларни эгаллаш, уларни тарихий идрок қилиш каби интеллектуал-ижодий фаолият турлари қўлланилди. Жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа қадимий шаҳарларнинг тарихий-меъморий иншоотлари гўзаллиги, айрим меъморий ёдгорликларга муносабат, уларни баҳолашга йўналтирилган қадриятли йўналишлар каби бадиий таҳлили, Ўзбекистон тарихий-маданий меросига оид интеллектуал-ижодий “маҳсулот” яратиш, ижтимоий (оммавий-коммуникатив) шароитда интеллектуал-ижодий маҳсулот яратиш асносида ўқувчига ўз креативлигини намоён этиш имконини бериш каби фаолият жараёнларидан фойдаланилди.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир
2. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т.: 2000, 185 б.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999,
4. Дружинина В. Психология. Учебник. Питер, 2004.
5. Uzakov O.Kh. (2022). Methodology and some methods of pedagogical research // Current research journal of pedagogics. 3, 03 С. 70-79.
6. Узаков О.Х. (2021). Инновационные технологии и методы обучения в образовании. Innovation in the modern education system // International

scientific conference, (25th January, 2021) – Washington, USA: "CESS", Part 1. pp.221-227.

7. Узиков О.Х. (2021). Философские рассуждение по научным понятиям // Innovation in the modern education system. International scientific conference (25th September,) – Washington, USA: "CESS", Part 10. pp.7– 14.

8. Uzokov O.Kh., Muhidova O.N. (2021). Factor determining the efficiency of innovative activities of a teacher. International journal of discourse on innovation, integration and education. Vol. 2 No. 1, pp. 81-84.

9. Uzakov. O.X. (2021). Innovative technologies and methods training in education // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal Vol. 11, Issue 1, January pp.1304– 1308.

10. Uzakov. O.X. (2020). Chaos as the basis of order. Entropy as measures of chaos // International Journal of Advanced Academic Studies, 2(2): 16149-16154.

11. Uzakov. O.X. (2020). The emergence of chaos // International Journal of Advanced Academic Studies. 2 (2): 221-223.

12. Узиков О.Х. (2021). Сущность некоторых физических научных концепций и приложений // Общество и инновации. № (8), С. 287-295.

13. Мухидова О.Н. (2021). Инновационные технологии в учебном процессе. Innovation in the modern education system. Washington, USA: "CESS", Part 2 January, pp. 88-93.

14. Muhidova O.N. (2021). Development of students creative abilities. Euro-Asia Conferences, 5(1), pp. 178–181.

15. Kulieva Sh. H., Mukhidova O.N., Kulieva D.R., Rakhmonova G.Sh., Razhabova I.H. (2019). El papel de las tecnologías pedagogicas modernas en la formacion de la competencia comunicativa de los estudiantes. Religación. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. 4(15), pp. 261-265.

16. Muxidova O.N. (2021). Texnologiya fanini o'qitishda interfaol usullarni qo'llash metodikasining ayrim jihatlari Science and education scintific journal Vol 2 Issue 12, pp. 782-792.

17. Мухидова О.Н. (2021). Формирование трансверсальных компетенций – приоритетная задача преподавателей высшей школы. Общество и инновации. 2, 11/S, 394–398.

18. О.Х.Узиков, О.Н.Мухидова (2021). Научные исследования: основы методологии. Science and education scintific journal Vol 2 Issue 12, pp. 376-386.

19. Muhidova O.N. (2021). Transversal competences as a result of student's modern world view formation. Current research journal of pedagogics. 3, 03 С. 64-69.
20. Muxidova O.N. (2022). Ta'lim mazmunini modernizatsiyalash jarayonida grafik organayzerlardan foydalanish usullari. Yangi O'zbekistonda milliy taraqqiyot va innovasiyalar 2, 2/2, 293-301
21. Мухидова О.Н. (2022). Формирование технологической компетентности при использование наглядных средств на уроках технологии. Yangi O'zbekistonda milliy taraqqiyot va innovasiyalar 2, 2/2, 302-307
22. Мухидова О.Н. (2020). Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Педагогик маҳорат Центр научных публикаций (buxdu.uz) 1/1, 57-61
23. Мухидова О.Н. (2020). Технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда компетенциявий ёндашувлар. Педагогик маҳорат Центр научных публикаций (buxdu.uz) 2/2, 158-164.
24. О.Х.Узаков, О.Н.Мухидова. (2022). Современные международные системы оценки гарантия качества образования. Research and education, 1(2), 112-120.